МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ НАШРИ ✸ 1996 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✸ 2013 ЙИЛ 16 ЯНВАРЬ. ЧОРШАНБА №5 (865) ✸ WWW.MAHALLAGZT.UZ

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

## МАРД ЎҒЛОНЛАР ЮРТНИНГ ШАЪНИ, ШАВКАТИДИР

***Мустақиллик йилларида замонавий, ихчам, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, жаҳон андозаларига мос профессионал миллий армиямиз шаклланди.***



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида: «Бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир», деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раҳнамолигида ҳарбий қисмларда ҳар томонлама соғлом, ахлоқий-руҳий муҳит шакллантирилиб, қўшинлар таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгарди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирув такомиллаштириб, чақирув ва йиғин пунктларининг инфратузилмаси яхшиланди. Бу борада Юртбошимизнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлаётир.

> [2]

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## ҲАР БИР ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди.***

Шу мақсадда кам таъминланган ва вояга етмаган фарзандлари бўлган оилаларга ижтимоий нафақа тўлаш йўлга қўйилди. Халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик каби бундай фазилатларга мувофиқ амалга оширилаётган ишлар ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини оширишни тақозо этмоқда.

2013 йилдан бошлаб ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторингини ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Хайрулла ХОЛНИЁЗОВ ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

> [2]

ҚАРОР ВА ИЖРО

## ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда қарор топган юксак бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси бўлди.***

Мазкур муҳим ҳужжат ҳамда республикамиз парламентининг юқори палатаси томонидан уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш бўйича қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш борасида Ички ишлар вазирлиги томонидан талайгина ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, юқорида номлари қайд этилган қарорлар ижросини бажариш юзасидан 2012 йил 11 декабрда вазирликнинг буйруғи ҳамда 22 декабрда фармойиши ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Уларда вазирликнинг тегишли хизматларига аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ҳамда унинг қуйи тизимлари амнистия актини қўллаш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритаётир. Мамлакатимиз парламенти юқори палатаси қарорлари ҳамда улар асосида қабул қилинган вазирлик идоравий ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида шу кунга қадар республикамиз туман-шаҳар ички ишлар бошқарма ва бўлимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари жазони ижро этиш инспекциялари ҳисобидаги жами 840 нафар маҳкумга нисбатан амнистия қарори қўлланилди. Бунинг натижасида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган 837 нафар шахс жазодан озод қилинди.

> [3]

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

## НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ




***Ўзбек оилаларида нуронийлар уйнинг тўрида. Ҳурмату эъзоз топган бу инсонлар ҳар бир хонадон аъзоларини панду насиҳатлари, йўл-йўриқлари ва ўгитлари билан нурга буркайди гўё.***

«Нуроний» жамғармаси мамлакатимиздаги маънавий барқарорликни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни тарғиб этишда етакчи бўғинлардан. Минглаб фахрийларни бирлаштирган мазкур ташкилотнинг фаолият йўналиши, мақсад ва вазифалари «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг низомида қайд этилган вазифаларга ҳамоҳанг. Ушбу икки ташкилот ҳамкорлиги эса хайрли мақсадларнинг амалга ошишида муҳим омил.

Қолаверса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда нафақат давлат ташкилотлари маблағларидан, балки юртимизда фаолият юритаётган бир қанча нодавлат нотижорат жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари маблағларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу борада Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг 2008 йилда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида имзоланган қўшма қарори алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ушбу ҳамкорлик самараси ўлароқ айни пайтда юртимиздаги маҳаллалар қошида «Нуроний» жамғармасининг 7 мингга яқин жамоатчилик марказлари тузилган. Ҳар икки ташкилот ҳамкорлиги узвий ҳамда давомий. Чунки нуроний отахону онахонлар маҳаллаларда истиқомат қилади. Марказларга ҳам эл-юрт орасида ҳурматли, обрўли, бой ҳаётий тажрибага эга инсонлар раис этиб сайланган. Марказ аъзолари маҳаллада ўтказиладиган ҳар бир тадбирда иштирок этиб, маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан барчага ўрнак бўлаётирлар.

> [2]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

## АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ, СИНАЛГАН ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

***«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлинмаси раиси Насрулло Мамажоновнинг бир янгилик бор, деган телефондаги хабаридан сўнг фурсатни бой бермай йўлга отландик. Маълум бўлишича, шаҳардаги ушбу маҳаллада Яраштириш комиссиялари фаолиятига бағишланган вилоят миқёсидаги семинар ўтказилаётган экан.***

Идорада йиғин раиси Муҳаммаджон Исмоилов ҳужжатларни кўздан кечириб ўтирарди. Салом-аликдан сўнг кўнгилдаги саволни ўртага ташладик:

— Комиссия фаолиятининг вилоят миқёсида оммалаштирилиши бежиз эмас. Айтинг-чи, қандай янгилик ва тажрибаларингиз бундай эътиборни қозонаётир?

Раис бизни Яраштириш комиссияси учун ажратилган алоҳида хонага бошлади. Деворларга кулиб турган болажонлар, дастурхон атрофида жамулжам оилалар, ёш келин-куёвларнинг рангли суратлари, аҳил ва иноқлик тарғиб этилган ҳикмат ва мақоллар битилган лавҳалар илинган. Қўш ойнали дераза остига қўйилган узун стол усти йиғма жилдларга тўла.

Диққатимизни кўзлари чақноқ гўдак сиймоси тасвири тортди. Ажабтовур бу сурат, аввало, кишида ўз фарзандлари, дилбандлари ҳақида муҳаббат ва соғинч уйғотади. Демак, аразлашган ёшлар ушбу «салтанат» остонасидан ўтибоқ, албатта, аросатда қолган болаларини ўйлаши, жаҳл устидаги қилмишидан пушаймонлик чекиши, ақлини йиғишга интилиши табиий. Яраштириш комиссиясининг киши қалбининг нозик торларини чертишга қаратилган ушбу тадбири оилалар тикланишида ўзига хос ибрат вазифасини ўташини англаш қийинмас...

> [3]




## РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

### АНДИЖОН

Вилоятда шу кунга қадар 867 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 341 та қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича 331 марта савол-жавоб кечалари ташкил этилди.
Шунингдек, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзига оид 41 мингта суҳбат, 4 мингга яқин учрашув ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

### БУХОРО

Вилоятдаги фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йил давомида 113 та маҳалла замонавий компьютер жамланмаси, 35 та фуқаролар йиғини эса мебель жиҳозлари билан таъминланди.
«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ва ҳудудий тузилмаларини хизмат бинолари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

### САМАРҚАНД

Вилоят ҳокимлигида янги иш ўринлари яратиш ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиш-ўқитиш самарадорлигини яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
Самарқанд вилоятида биргина бюджет ташкилотларида пенсия ёшида, 2 та штат бирлигида ва ўриндошлик асосида ишлаб келаётган ходимлар бўйича инвентаризация ўтказилиши натижасида 12 мингга яқин иш жойлари захираси аниқланди.
Йиғилишда вилоятда ёшларни иш билан таъминлашда учраб турган айрим камчиликлар муҳокама қилиниб, уларни қисқа фурсатларда бартараф этиш юзасидан мутасадди идоралар, иш берувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

### СУРХОНДАРЁ

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва гиёҳвандлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган ҳаракатларга қарши маҳаллаларда 701 та тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.
«Миллий қадрият ва урф-одатларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни» мавзусида 534 давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда 36 мингга яқин фуқароларнинг иштироки таъминлади.

ЭЪТИРОФ

## «УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАР ҲАЙРАТИМНИ ОШИРГАН...»

***Истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган қонунлар азалий қадриятлар бешиги бўлган маҳалланинг ўрни ва нуфузини янада оширди.***

Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, бири биридан чиройли маҳалла гузарлари, кўча ва хиёбонларни кўриб дилингиз қувнайди. Бу эса, юртимизга ташриф буюраётган хорижликларни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ.

**Сатнан САХА, (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу ерда саёҳатларимиз мазмунли ўтмоқда. Айниқса, Фарғона шаҳри ва маҳаллаларида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари бизни ҳайратга солди. Кенг ва равон кўчалар, тунни кундуздек ёритган чироқлар, бир-бирига меҳрибон, очиқ чеҳрали самимий инсонлар билан суҳбатлашиб кўнглимиз кўтарилди. Ҳеч қаерда учрамаган ўзини ўзи бошқариш органлари билан аҳоли ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, саховатпешалик ҳақида ҳар қанча гапирсакда оз. Заминингиз саховатли, миллий қадриятларингиз ғоят ажо-йиб, жуда бой экан. Маҳаллаларда ноёб муҳандислик лойиҳалари асосида яратилган обидалар, халқ амалий санъати дурдоналарини кўриб ҳайратландим.

**Шариф БАНДИЯ, (Канада):**

— Фарғона бўйлаб қилган сафаримиз Янги йил байрами шодиёналарига уланиб кетди. Менга ўзбек маҳаллалари, хонадонларида байрамни кутиб олиш билан боғлиқ урф-одатлар жуда ёқди. Бу оилавий байрам ҳам саналаркан. Кўрганларим: ушбу кунга атаб ҳар бир хонадонда байрам дастурхони тузалиши, оила даврасида жам бўлиш, яқин қариндошлар ҳолидан хабар олиш, гина-кудуратларни унутиш, совғалар улашиш, меҳр-оқибат кўрсатиш сингари миллий қадриятлар ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди. Кўча бўйлаб одимлаб бораётган катта-кичикнинг қўл олиб кўнгил сўрашиши юртингиздаги меҳр-оқибатнинг рамзи, десам муболаға бўлмайди.

**Ли ХИАНГКУН, (Хитой):**

— Юртингизнинг ҳар бир шаҳри, қишлоқ ва маҳаллалари ўзига хос ва жуда гўзал. Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро ва Қўқон каби қадимий шаҳарлардаги ноёб тарихий обидалар — ўз таровати ва жилоси билан бутун дунёни мафтун этаётган меъморий ёдгорликлар Ўзбекистоннинг бой тарихидан сўзлайди. Булар халқингизнинг маданияти ва меъморчилик санъати бир неча асрлар аввал ҳам юксак даражада ривож топганидан далолатдир. Айниқса, қадимий Қўқон шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Шаҳар маркази Ўрда бош майдони, маҳаллаларда амалга оширилган ўзига хос меъморий ечимлар билан уйғунлашган кўча ва хиёбонлар, маҳаллалар, аҳоли учун яратилган дам олиш масканлари кишининг руҳини кўтаради. Буларнинг ҳаммаси юртингизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, ҳамжиҳатлик, ҳамма нарса инсон ва унинг бахт-саодатига хизмат қилаётганини кўрсатиб турибди.

**Риёз АҲМАД, (Ҳиндистон):** — Ўзбекистонга илгари ҳам келганман. Лекин қисқа вақт ичида юртингизда бу қадар улкан ишларнинг амалга оширилгани мени лол қолдирди. Фарғонада ўтган кунларимиз таассуротларга бой бўлди. Бу ерда биз Ҳиндистон савдо-ярмаркасида иштирок этиш билан бирга, Фар-ғонанинг ўзига хос жиҳатлари, урф-одат ва анъаналари билан танишишга ҳаракат қилдик. Қурилган янги кўча ва иншоотлар, турар-жойлар ва бу ишга аҳолининг қурувчи ва бунёдкорларга кўрсатаётган амалий ёрдамлари эътиборимизни тортди. Чиндан ҳам, фарғоналиклар истиқлол туфайли янгиланаётган ўз шаҳри, маҳаллаларидан фахрланадилар. Юртингиздаги бу фаровонлик ва осойишталик барқарор бўлсин.

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# МУАММОЛАР ЕЧИМИДА МУҲИМ ОМИЛ

***Маҳалла истиқлол йилларида моҳиятан янгиланди. Замон талаблари асосида такомиллашиб, жамиятда фаровонлик ва барқарорликнинг муҳим шартига айланди. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юртимизда давом этаётган барча ислоҳотларда фаол иштирок этиб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти — бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир», дея маҳалла тизимини янада такомиллаштириш зарурлигига барчанинг эътиборини қаратди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги белгилаб берилган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, маҳалла жамоатчилик назоратини олиб боришда шундай салоҳият ва имкониятга эгаки, ундан самарали фойдаланиш «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқаришнинг муҳим талабидир.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасида: «Йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади», деб белгилаб қўйилган.

— Ушбу қонунда маҳаллалар ўзларига берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда, жамоатчилик назоратини қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлари, шунингдек, ўз қарорлари ижроси орқали амалга ошириши мумкин, — дейди «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази директори Баҳодир Юнусов. — Мазкур йўналишда жамоатчилик назорати йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, улар чиқарган қарорларнинг бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли идораларга тақдимномалар киритиш орқали ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимини изчил йўлга қўйиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари томонидан услубий ва амалий кўмак бериб келинмоқда. Ҳозир юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузилган бўлиб, улар фаолиятида жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва самарали амалга ошириш устувор аҳамият касб этаётир.

Мазкур комиссияларнинг ҳудудни комплекс ривожлантириш, қонун ҳужжатлари ва фуқаролар йиғинларининг қарорлари ижросини назорат қилиш, йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тайёргарлик кўриш, ҳудудни ободонлаштириш, тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни ўтказишда жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлари бунинг ёрқин мисолидир.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу ҳуқуқлардан самарали фойдаланиб келмоқда. Унда маҳаллалар ҳаётига дахлдор, аҳолини ўйлантириб келаётган муаммолар муҳокама этилиб, уларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилинмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 36 та маҳалла фуқаролар йиғинида ўз фаолиятлари соҳасига кирувчи масалалар юзасидан тумандаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Унда аҳолини ташвишлантираётган муаммолар, чунончи, ҳудудни ободонлаштириш, маҳалла масканида болалар спорт мажмуалари ва майдончаларини қуриш, кўчаларни таъмирлаш ҳамда кўпқаватли уйларда лифтлар ишлаши узлуксизлигини таъминлаш бўйича атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маҳалла аҳли мавжуд муаммоларни ўртага ташлаб, ҳокимликка ушбу масала юзасидан ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди. Муҳими, бу ерда ҳам мазкур саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, кўплаб масалалар жойида ҳал этилди.

— Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолатнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси раиси Розиқ Қурбонов. — У инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланиши, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини таъминлайди. Туманимиз маҳаллаларида 18 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланиб, аҳоли томонидан турли йўналишларда муаммолар баённомаларга киритилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлашда, уларнинг амалиётда тўлиқ татбиқ этилишида, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда, ижтимоий ҳимояни кучайтиришда ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади.

— Бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат бошқаруви органлари устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш даражаси ортиб бормоқда, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги «Жарариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Солиҳов. — Яқинда туман иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси Ш.Содиқов йиғинимизга келиб тижорат банклари томонидан хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳисобот берди. Унда маҳалламиз фаоллари иштирок этиб, туман банкларидан кредит олишда турли қийинчиликларга учраётганини айтишди. Баённомаларда қайд этилган муаммолар ўз вақтида ҳал этилди.

Хуллас, бугунги кунда озод ва обод Ватан барпо этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислоҳотларни амалга оширишда маҳалла мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Йиғинлар томонидан олиб борилаётган жамоатчилик назорати эса, жойларда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

# АКАДЕМИК АБДИМУБДИ СУЛТОНХЎЖАЕВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликкка учради. Гидрогеология соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Абдимубди Ниғмонович Султонхўжаев 84 ёшида вафот этди.

А.Султонхўжаев 1929 йили Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. 1952 йили Ўрта Осиё политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология институти аспирантурасида ўқишни давом эттирди. 1958 йилда номзодлик, 1970 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ўз ҳаётини илм-фан ривожига бағишлаган истеъдодли олим қарийб 60 йиллик илмий фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология, Гидромуҳандислик геологияси ва Сейсмология институтларида катта илмий ходим, лаборатория мудири, директор ўринбосари каби лавозимларда самарали меҳнат қилди ва табиий фанлар соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг назарий ва амалий тадқиқотлари, гидрогеология ва сейсмология фанлари соҳасидаги ўнлаб мақола ва рисолалари кенг илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 30 дан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

А.Султонхўжаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси фан арбоби фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Абдимубди Султонхўжаевнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ**

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

# МАРД ЎҒЛОНЛАР ЮРТНИНГ ШАЪНИ, ШАВКАТИДИР



< [1]

Ёшларимиз қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, уларни эл-юрт ҳимоясига камарбаста этишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг қуйи бўғинларининг ҳам алоҳида ҳиссаси борлигини таъкидлаш зарур. Зеро, Ватанни шарафлаш ва унинг ҳар бир қарич ерини қўриқлаш каби эзгу тушунчалар, аввало, маҳаллада шаклланади.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари пойтахтимизда ҳам муддатли ҳарбий хизматга чақирув мавсуми учун йиғинларда барча шарт-шароитлар яратилди. Тиббий кўрик хоналари диагностика аппарати ва зарур жиҳозлар билан таъминланди. Иситиш тизими яхши йўлга қўйилди. Чақирилувчилар шу ернинг ўзида тажрибали шифокорлар кўригидан ўтказилмоқда. Замонавий қулайликларга эга меҳмонхона, ошхона Ватан ҳимоясига отланган йигитлар хизматида.

Шу кунларда пойтахтимизнинг Олмазор туманида ҳам муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирувни юқори савияда ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бўлажак аскарларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, жисмоний тайёргарликларини текшириш ва тест синовлари давом этаётир.

Мудофаа ишлари бўлими ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари билан ҳамкорликда чақирилувчи ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида учрашувлар ташкил этилиб, уларга Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилмоқда. Сафарбарлик чақируви резерви ҳамда муддатли ҳарбий хизматга доир тартиб-қоидалар ҳақида етарлича маълумот берилмоқда. Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига яратилаётган шароитлар, берилган имтиёзлар билан яқиндан таништирилаётир.

— Айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда чақирилувчиларни туман мудофаа ишлари бўлимига келиши тўғрисида огоҳлантириш ишлари давом эттирилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олмазор тумани бўлинмаси раиси Бахтиёр Исманов. — Шу пайтгача 2013 йилги чақирув мавсумига тайёргарлик жараёнида маҳаллаларда 1894 нафар чақирилувчидан 1777 нафари ўрганилиб, қолганлари туман мудофаа ишлари бўлимига бориши зарурлиги тўғрисида чақирув қоғозлари етказиб берилмоқда.

Ватанимиз осойишталиги, юртимиз тинчлигини таъминлаш иштиёқи билан улғайган ёшлар сафидан муддатли ҳарбий хизматга белгиланган синов ва танлов асосида жисмонан соғлом, маънан етук, юксак салоҳиятга эга ўғлонлар саралаб олинмоқда. Ушбу жараёнда чақирилувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳарбий ихтисосликларни, замонавий ахборот-компьютер технологияларини ўзлаштириш қобилияти, билими ва интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституциявий бурчини шараф билан ўтаб қайтаётган ёшларнинг иш билан таъминланиши ва олий таълим муассасаларида ўқиши учун қатор имтиёзлар яратилгани ҳам фарзандларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир.

— Миллий армиямиздаги туб ислоҳотлар ва фарзандларимизнинг ҳарбий хизматга интилишлари билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини Зарқайнар кўчаси 14-уйда яшовчи Собир Ҳақназаров. — Бир пайтлар ҳарбий хизматни ўташ учун Ўзбекистондан олис юртларга жўнатилган бўлсак, бугун фарзандларимиз мустақил Ватанимизда хизмат қилмоқдалар.

Дарвоқе, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Олмазор тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда туман мудофаа ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 140 нафар ҳарбий хизматчига байрам дастурхони ёзилди. Унда иштирок этган ҳарбий чақирилувчилар мамлакатимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, оилалар фаровонлигини таъминлашни ўз олдиларига мақсад қилдилар.

Хуллас, бугунги кунда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бўлажак Ватан ҳимоячиларининг юртга садоқат туй-ғуларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

**Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

# НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

< [1]

«Обод турмуш» тушунчаси оила, маҳалла, юрт ободлигини ифодалайди. Бунга эришишда кўпчиликнинг саъй-ҳаракати, интилиш ва ташаббуси зарур. Мустаҳкам оила йилида маҳаллаларда ташкил этилган учрашув, давра суҳбати, кўрик-танловларимизнинг асосий мазмун-мундарижаси оила одоби, эр-хотин ўртасидаги муносабат, ўзаро меҳр-оқибат, эрта никоҳнинг олдини олиш, қишлоқ жойларида томорқачилик маданиятини юксалтириш, турмуш фаровонлигига эришиш масалаларига қаратилди.

Жамғарма томонидан республикамиз бўйлаб уюштирилган бундай тадбирларда ҳаётий тажрибага бой отахону онахонлар, фахрийлар, кекса олимлар жалб этилди. Тарғибот ишларини таъсирчан усуллардан фойдаланиб олиб борганимиз натижасида аҳоли эрта турмуш қуриш, қариндошлар ўртасида тузилган никоҳнинг салбий оқибатларидан бохабар бўлди. Жорий йилда ҳам бу вазифаларнинг мантиқий давоми сифатида тузилган режаларимизни амалга ошираётирмиз.

Маҳаллалар бизга доимо қўл-қанот, елкадош. Жумладан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларга кўра, жойлардаги кўмакка муҳтож қарияларни аниқлаб, уларга моддий ва маънавий ёрдам уюштириш «Нуроний» жамғармаси зиммасига юклатилганди. Айнан «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг кўмагида ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламаси ва бошқа зарур воситаларга эҳтиёжи бор қарияларнинг рўйхати шакллантирилди. Худди шундай ҳамкорлик яна бир мурувват ёрдами — кам таъминланган оилаларга 1 миллиард 670 миллион сўмлик янги йил совғаларини етказиб беришда ҳам асқотди.

Ёшлар — мамлакат эртасини ҳал қилувчи куч. Шу боис, улар тарбиясига хос бурч ва масъулият ҳар бир ташкилотнинг фаолият йўналишидан мустаҳкам ўрин олган. Ўтган йилда ёшларни турли тажовузкор ғоялардан асраш, ватанпарварлик ва қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш мақсадида кўплаб тадбирларни йўлга қўйдик. Жумладан, Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани «Шарқ юлдузи», Чуст туманидаги «Ғова», Поп туманидаги «Ғурумсарой» маҳаллаларида бўлиб ўтган учрашувлар Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилгани боис, кенг аҳоли қатламини жалб этди. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмоний камол топтириш масалалари ҳамкорлигимизнинг галдаги вазифалари асосини ташкил этади, албатта.

Оила фаровонлиги юрт ободлигидан нишона. Жам-ғармамиз ташаббуси билан жойларда камида 50-60 йил бирга яшаб, намунали турмуш қурган кишилар иштирокида «Эъзоз ва эҳтиром» деб номланган кечалар ўтказдик. Ишонч ва вафо, сабр ва ҳурмат туйғуларининг гўзал намуналарини ўз умрлари давомида исботлаган оилалар соҳиблари ёш келин-куёвлар, турмуш қуриш остонасидаги йигит-қизлар учун чинакам ибратдир. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли» шиори остидаги деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқларда томорқадан оқилона фойдаланиш, қўшимча ҳалол даромад топиб оила иқтисодини мустаҳкамлашга оид тизимли тадбирларимиз маҳалла фуқаролар йиғинларининг саъй-ҳаракати билан ташкиллаштирилди.

Обод турмуш йилида «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти янада чуқурлашиб, пировардида аҳолига наф келтириши шубҳасиз.

**Ҳулкар ФАЙЗУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бош мутахассиси.**




ҚАРОР ВА ИЖРО

# ҲАР БИР ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

< [1]

— Мамлакатимизда ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг реал даромадлари барқарор ўсишини таъминлаш, турмуш даражасини юксалтириш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган, вояга етмаган фарзанди бўлган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ана шу мақсадда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар қабул қилиниб, қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш оилалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини иш билан таъминлашга эътибор кучайтирилаётир. Халқимизга хос инсонпарварлик, меҳр-оқибат тамойиллари аҳоли реал даромадлари ва фаровонлиги барқарор ўсишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. 2012 йилда вилоятда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг 7513 фарзанди муқим даромадга эга иш билан таъминланди. Кам таъминланган оилаларга моддий нафақа берилди. Бундай хайрли ишлардан мақсад уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминланиб, реал даромад манбаини яратгунча давлат томонидан қўллаб-қувватлаб туришдан иборатдир. Бугун қишлоқларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланиб, замонавий корхоналар, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилаётир. Саноат корхоналари техник ва технологик янгиланмоқда. Ижтимоий соҳалар, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кўплаб янги иш ўринлари яратилаётир.

Ҳукуматимизнинг қарори билан ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибининг янада такомиллашгани мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг узвий давомидир. Қарорга мувофиқ ижтимоий нафақаларни тўлашнинг аниқ тарздалиги оширилган ҳолда оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар фарзанд парвариши бўйича нафақа тўлашнинг ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда муддатлари сақлаб қолинди. Шунингдек, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлашда ҳисобга олинадиган фарзандларнинг энг катта ёши, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга тўланадиган ойлик ижтимоий нафақалар миқдори белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, фуқаролар йиғини томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия масъулияти оширилди. Комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Вилоятда мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят молия бошқармаси билан ҳамкорликда ижтимоий нафақалар тўлашнинг янги тартибини жорий этиш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари учун ўқув курслари ташкил этилиб, уларга қарорнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларни аниқлаш тартиблари атрофлича тушунтирилмоқда. Ходимларимиз бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ҳамда моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ижтимоий нафақага муҳтож оилалар фуқаролар йиғинларидаги ваколатли комиссия томонидан аниқланади. Бу нафақанинг очиқ, ошкора ва ижтимоий адолат қоидалари асосида ҳал этилишини таъминлайди. Нафақаларни тўлаш ва тайинлашда фуқаролар йиғинлари ва комиссиялар катта ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида боқимандаликка, ўзининг иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишига йўл қўймаслиги, улар онгига болалар тарбиясида оила масъулиятини кучайтиришнинг аҳамияти, фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун етарли шарт-шароит яратиб бериш кўникмаларини ҳосил қилишнинг туб моҳиятини кенг тушунтириш каби вазифалар юкланган. Шунинг учун ҳам нафақа тайинлаш муддатлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ижтимоий нафақа олишда ногирон чақалоқли, ота-онаси бўлмаган болаларни тарбиясига олган қариндошлар, болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган, ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган ва меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилаларга имтиёзли ҳуқуқ берилган. Булар инсон бахт-саодати, унинг тинч, фаровон яшаши таъминланаётган мамлакатимизда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликларнинг амалдаги ифодасидир.

**ЎзА мухбири Х.МАМАТРАЙИМОВ ёзиб олди.**

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

# ЧИНИҚИШ, ТОБЛАНИШ ВА ЗАФАРЛАР МАЙДОНИ



**_Йиғинимиз биноси яқинида жойлашган спорт майдончаси ҳар куни одамлар билан гавжум. Тонг саҳарда югураётган маҳалладошларимни кўриб ҳавасим келади._**

«Узоқ умр кўришни, соғлом бўлишни истайсизми, унда югуришни канда қилманг», деган даъватга барчамиз амал қиламиз. Аслида, спортга интилиш маҳалламиз номида ҳам акс этган. «Ҳайват» «ҳайбат» сўзидан олинган. Маҳалламизда азалдан салобатли, машҳур полвонлар кўп бўлган. Улардан бири кураги ерга тегмаган полвон Бейжон Давлатовдир. Унинг номи ҳатто қўшни республикаларга ҳам ёйилган. Ўтган йили Наврўз байрами арафасида маҳалламиздаги спорт майдончасида Бейжон полвон хотирасига бағишланган кураш мусобақасини ўтказдик. Унинг муносиб издоши Карим Матризоев мусобақада ғолиб чиқиб, бош совринни қўлга киритди.

Бундан ташқари, майдончамизда «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» каби турнирлар, футбол, волейбол, югуриш бўйича мусобақалар ўтказиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрдаги «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида қад ростлаган майдончамиз бугун маҳалладошларимизнинг севимли масканига айланган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоятимиздаги мутасаддилари билан ҳамкорликда мактаб ва маҳалла спорт майдончалари таъмирланиб, жиҳозлар билан бойитилмоқда. Шунингдек, хотин-қизлар спортини, хусусан, унинг нафис ва гўзал тури ҳисобланган бадиий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бадиий гимнастика қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади. Буни ҳисобга олиб, маҳалламиздаги спорт майдончасига туташ ўрта мактаб спорт залида бадиий гимнастика тўгарагини ташкил қилдик. Нигора Қосимова мураббийлигидаги гимнастикачи қизларимиз биринчиликни қўлдан бермай келмоқда. Нилуфар Рўзиматова Германияда ёшлар ўртасида ўтган бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақада олтин медални қўлга киритди. Шаҳло Қозоқова республика гимнастика маликалари мусобақалари ғолиби бўлди. Уларнинг издошлари кўп. Шу тўгаракдан чиққан Нодирахон Каримова ҳозирги кунда Урганч давлат университетида жисмоний тарбия ва маданият факультетида таҳсил олмоқда.

Бугун барча маҳаллаларда спорт майдончаларининг мавжудлиги нафақат ёшларнинг жисмонан соғлом ўсишига ҳисса қўшмоқда, балки нуфузли халқаро турнирлардаги ғалабаларга замин ҳозирламоқда. Жумладан, дастлабки машқларини «Қаландардўрмон» маҳалласининг спорт майдончасида бошлаган Замирахон Аҳмедова белбоғли кураш бўйича Россиянинг Астрахан шаҳрида ўтган мусобақаларда олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлди. Дастлаб «Бошқирших» маҳалласи жамоасида тўп сурган Жамшид Искандаров эндиликда «Пахтакор» клуби таркибида мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Яқинда у Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибида жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўлланма олди. «Чўбolonчи» маҳалласида чиниққан Райҳон Бекберганова ва Дилноза Бектемирова ўтган йили Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасидаги белбоғли кураш бўйича республикамиз шарафини ҳимоя қилиб, совриндорлар қаторидан жой олишди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла спорт майдончалари ёшларимиз учун чиниқиш маскани вазифасини ўтаётгани аниқ.

**Йўлдош КАРИМОВ,**
**Янгибозор туманидаги «Ҳайват» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

ТАЪЛИМ

## Фан доктори бўлмоқчимисиз?..

**_Вазирлар Маҳкамаси олий ўқув юрти (ОЎЮ)дан кейинги таълимга давлат талабларини, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Низоми ва тузилмасини ҳамда ОЎЮдан кейинги таълим ва уни тугатганлик ҳақидаги давлат намуналари (фан доктори дипломи, профессор, доцент, катта илмий ходим аттестатлари) тўғрисидаги Низомни тасдиқлади._**

ОЎЮдан кейинги таълим катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида 3 йил давомида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда институтга кириш имтиҳонлари натижалари бўйича танлов асосида ёки мустақил изланувчи шаклида амалга оширилади. Хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўлов-контракт асосида ёки республиканинг халқаро шартномаларига мувофиқ таълим олишлари мумкин.

Бир пайтнинг ўзида бир нечта олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасида мустақил изланишни олиб бориш мумкин эмас. ОЎЮдан кейинги таълим институтини тугатган, аммо докторлик диссертациясини ҳимоя қилмаган шахслар кейинчалик мустақил изланувчилар сифатида қабул қилинишлари мумкин.

Кўрсатилган институтга кириш учун камида 2 йил илмий ёки педагогик фаолият стажига эга бўлиш, магистр ёки фан номзоди бўлиш ёинки магистрлик даражаси жорий этилишидан олдин олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга, илмий мақолаларга эга бўлиш, чет тилларини, АКТ ва интернетни билиш керак. Изланувчилар учун юқорида кўрсатилганлардан ташқари, 5 йиллик иш стажи зарур, бунда бакалаврлар ҳам қатнашиши мумкин. ОЎЮдан кейинги таълим йўналиши дипломда кўрсатилган мутахассисликка мос келиши керак бўлса-да, шу билан бирга турдош фан тармоқларида ҳам таълим олишга рухсат берилган бўлиб, бунинг учун қўшимча имтиҳонлар ўтказилади.

Таълим олиш жараёни мутахассислик, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, чет тили ҳамда фан соҳасига қараб Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан белгиланадиган фанлар бўйича имтиҳон топшириш билан якунланади. Олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси томонидан тавсия этилган мавзулар бўйича фан доктори илмий даражасини диссертант ўзбек, рус, қорақалпоқ ёки ОАК билан келишилган ҳолда чет тилида ҳимоя қилиши мумкин.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

## Аҳди баланд, ишонч мустаҳкам



**_Қуйи Чирчиқ туманидаги волейболчи аёлларни кўпчилик танийди. Гул қишлоғидаги 4-умумтаълим мактаби директори Хуршида Абдуғаффорова ва қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Назира Салоҳиддинованинг ташаббуси билан юзага келган ушбу жамоани тузишдан мақсад қишлоқ аёлларини спортга жалб этиш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга баҳолиқудрат ҳисса қўшишдан иборат эди._**

Ташаббус тез орада қанот ёзди. Дастлаб ўсмир қизлар қизиқиш билдирган бўлса, кейинчалик жамоага уйда ўтирган аёллар, фарзанд тарбияси билан машғул ёш жувонлар ҳам қўшилиш истагини билдира бошлашди. Мактабдаги жисмоний тарбия мураббийлари кўмагида фаолиятини бошлаган «Волейболчи»лар сони шу зайлда ортиб бораверди.

— Бу ерда беш йилдан бери спорт билан шуғулланамиз, — дейди жамоа сардори Манзура Мирзаназарова. — Ўтган давр мобайнида жамоамиз аъзолари жисмонан соғлом, хушқад, эпчил ва ҳаракатчан бўлишди. Қолаверса, спорт бизни руҳан toblади, ғалабага иштиёқ уйғотиб, мақсаддан оғишмасликка ўргатди. Шу боис, жамоамизга ҳавас қилувчилар кўп. Аъзо бўлиш истагини билдираётганлар ҳам бисёр. Обод турмуш йилида янги режаларни амалга ошириб, бошқа спорт турлари билан шуғулланишни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз.

Волейболчи аёллар жамоаси вилоятда бир неча йилдан бери пешқадамлар сафида. Кўпгина тадбирларда фахрли ўринларни қўлга киритган жамоа учун Мустаҳкам оила йили омадли келди. Улар Андижонда бўлиб ўтган республика миқёсидаги мусобақада совриндор бўлишди. «Волейболчи»лар жорий йилга ҳам эзгу ниятлар билан қадам қўйишди. Гуллик спортчи аёллар Обод турмуш йилида кўплаб нуфузли беллашувларда қатнашишга астойдил аҳд қилишган.

**Ю.ҲОЖИЕВА.**

ФУТБОЛ

## Равшан Эрматов дунёнинг энг яхши 10 ҳаками қаторида




**_Футбол тарихи ва статистикаси Халқаро федерацияси (IFFHS) 2012 йилнинг энг яхши ҳакамлари рўйхатини эълон қилди._**

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ушбу рўйхатнинг кучли ўнлигидан жой олди. IFFHS маълумотларига кўра, Равшан Эрматов 2012 йилда 35 очко билан дунёнинг энг яхши олтинчи ҳаками бўлди. Таъкидлаш жоизки, Равшан Эрматов ушбу рўйхатга киритилган Осиё ва МДҲ минтақасининг ягона вакили ҳисобланади.

Рейтингнинг биринчи поғонасини португалиялик Педру Проэнса эгаллади. Туркиялик Жунейт Чакир эса иккинчи бўлди. Англиялик Ховард Уэббу бу сафар кучли ўнликдан жой олди.

Тўртинчи ва бешинчи ўринларни мос равишда венгриялик Виктор Кассаи ҳамда германиялик Вольфганг Штарк эгаллашди.




## Европадаги энг баланд бино очилади

**_2013 йил 1 февраль куни Лондонда қад ростлаган «Shard» осмонўпар биносининг энг юқори қаватларига чиқиш мумкин бўлади._**



Баландлиги 310 метрли ушбу кўпқаватли бино Темзанинг жанубий соҳилидаги Лондон-бридж туманида жойлашган. Юзаси 11 минг ойнаванд панеллардан иборат 87 қаватли эҳром шаклидаги минорада офислар, хонадонлар ва меҳмонхоналар жойлаштирилиши режалаштирилган. Мазкур иморат янги шаҳар мавзеси «London Bridge Quarter» транспорт узелининг марказига айланади.

Ушбу бинонинг қурилиш ишлари ўтган йилнинг ёз ойида ниҳоясига етказилган. «Shard»нинг 80 фоиз улуши қатарлик инвесторларга тегишли. 2008 йилда айнан уларнинг сармояси туфайли лойиҳа асраб қолинган эди. Боиси, ўшанда иқтисодий инқироз сабабли бино қурилиши тўхтатилганди. Уч йил давом этган қурилиш ишларига камида 450 миллион фунт-стерлинг сарфланган.

«Shard» фойдаланишга топширилганидан кейин бир неча ой давомида Европанинг энг баланд иморатига айланади. Аммо 2013 йилнинг охирига бориб, бу биринчиликни Россиянинг Москва-ситисида жойлашадиган 339-метрли осмонўпар «Меркурий Сити Тауэр» биноси эгаллаши кутилмоқда.

## «Samsung»дан эгилувчан дисплейли смартфон

**_«Samsung» компанияси «CES 2013» кўргазмасида органик диодлардан иборат қайрилувчан дисплейли смартфон прототипини намойиш этди._**



Экраннинг қайрилган қисмида огоҳлантирувчи маълумотлар, иловалар тугмачалари: телефон рақамлари, SMS ва S-Note қайдномаси жойлаштирилган. «Samsung» ҳозирча янги аппаратга оид тўлиқ тавсифни ошкор қилмаяпти.

Телефоннинг ишлаш тезлиги жуда юқори. Аппаратда ички камера, уяли модул ва тўлиқ операцион тизим йўқ. У кўпроқ «сурат рамкаси»га ўхшаб кетади.

Ушбу янги техника «Youm» деб номланди. У планшет вазифасини ҳам бажара олади. Экрани икки қисмга ажраладиган аппарат эҳтиёжга кўра яна смартфонга айланиши мумкин.

«Samsung», бир неча йилдан буён эгилувчан экран устида изланиш олиб бормоқда. Ана шундай лойиҳаларни «Nokia» ва «LG» ҳам намойиш этган. Бироқ шу пайтгача биронта компания бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаган.

## Сариқ чироқ қизилга тенглаштирилди

**_2013 йил 1 январдан бошлаб Хитойда светофорнинг сариқ сигнали ҳаракатни тақиқлайдиган қизил чироққа тенглаштирилди. Сариқ чироқ ёнганида ҳаракатланганлик учун жазо чораси жорий этилди._**



Унга кўра, светофорнинг сариқ чироғи ёниб турган пайтда ҳаракатланиш такрор содир этилганида, ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маълум муддатга маҳрум этилади.

Ушбу қарор ўлимга олиб келаётган йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш мақсадида қабул қилинди. Қайд этиб ўтамиз, бундай ҳолатлар Хитойда йилига 250 мингтагача қайд этилади.

Светофорнинг сариқ чироқ сигналининг қизил чироққа тенглаштирилиши ҳақидаги қарорни экспертлар ғалати, деб айтишмоқда. Уларнинг фикрича, энди ҳайдовчилар дарҳол тақиқловчи сариққа алмашиши мумкин бўлган яшил чироқда ҳаракатланишдан ҳам қўрқиб қолишади. Бундай тартиб чорраҳаларда тирбандликнинг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

## Симоб ер юзини ифлослантирмоқда

**_Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маърузасида айтилишича, Африка, Осиё ва Жанубий Американинг кўп туманлари симобдан ифлосланиб бормоқда._**

Маъруза муаллифлари келтирган маълумотларга қараганда, саноатлашган ҳамда энергетикада кўмирдан фойдаланаётган Хитой сингари мамлакатларда соғлиқ учун хавфли металл тобора кўпроқ тарқалмоқда.

Бу хавф кучайган ҳудудлар орасида Лотин Америкаси ва субэкваториал Африка ҳам бор. Сўнгги саккиз йил ичида кичик конлардан олтин ундирилиши натижасида симобдан заҳарланган майдон юзаси икки баробарга кенгайган.

БМТ аъзо давлатларни ҳомиладор аёллар ва кичкина болалар учун жуда хавфли бўлган симобдан ифлосланиш даражасини камайтириш мақсадида халқаро конвенция ишлаб чиқишга чақирмоқда.

**Ф.ЭГАМОВА.**

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

# САЛОМ — ОДОБ ВА ҲУРМАТНИНГ БЕЛГИСИ

**_...Кўҳна Ҳирот кўчаларининг биридан Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро от миниб ўтиб борар эдилар. Ариқча бўйида ўйнаб ўтирган бир гўдакни кўрган Алишер отдан тушиб, унинг ёнига борди ва қўлларини кўксига қўйганча икки букилиб:_**

— Ассалому алайкум, мавлонзода! — деб таъзим қилди. Бола ҳайрон бўлганча Навоийга қараб, бир илжайиб қўйди-да, ўйинини давом эттираверди.

Навоий орқасига қайтиб, отга минди ва йўлида давом этди. Бу воқеани кузатиб турган Ҳусайн ҳайратланди.

— Ажабо, Алишер, ёшгина болакайга таъзим айламоқнинг боиси не? — деб сўради.

— Султон ҳазратлари сезмадилар чоғи, бу бола мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг набиралари. Устозга ҳурматим чексизлигидан набирасига салом бердим, — деб жавоб берган экан улуғ шоир.

Бу кичиккина ҳикоят аждодларимизнинг юксак маънавият соҳиблари эканини кўрсатиши билан бирга, ҳурмат саломдан бошланишини, салом бериш ҳар бир киши учун фарзлигини, каттаю кичикка бирдек эътиборли бўлиш лозимлигини англатади. Ҳақиқатан ҳам, салом бериш одамзотнинг фазилати, маънавиятининг бир кўриниши ҳисобланади.

Ҳар бир халқнинг ўз саломлашиш услуби бор. Бу эса, ўша халқнинг маънавияти ва маданияти қандайлигидан далолат беради. Халқимизнинг саломлашуви энг гўзал ва энг маъноли саломлашишдир. Қўлини кўксига қўйиб «Ассалому алайкум» деб салом бериш ҳар қандай кишининг кўзини, кўнглини қувонтиради. Биргина шу саломлашувнинг замирида бир олам мазмун-моҳият, инсонийлик, юксак самимият бор. «Ассалому алайкум» «Сизга тинчлик ва омонлик тилайман», «Ва алайкум ассалом» деб алик олиш эса «Мен ҳам сизга тинчлик ва омонлик тилайман», деган маъноларни англатади.

Афсуски, саломлашишнинг асл моҳиятини чуқур англаб етмаслик оқибатида бу гўзал одобни бузиб қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. «Саломалайкум», «ассалом», «ассамайкум» ёки қисқагина қилиб «салом» деб қўйишнинг бирортаси ҳам муқаддас китобларда ёзилишича, салом ўрнига ўтмас экан.

— Ровийларнинг айтишича, пайғамбаримиздан «Қайси амал энг яхши амалдир», деб сўраганларида у киши: «Таниган ва танимаган одамга таом ва салом бермоғинг», деб жавоб берган эканлар, — дейди Косон туманидаги «Бойғунди» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шоди бува Йўлдошев. — Салом бериш ҳар бир киши учун қарз ҳамда фарз. Аммо ана шу қутлуғ савобни ҳам ҳисоб-китоб қиладиганларни кўриб, хафа бўлиб кетаман. Кўча-кўйда кетаётганда баъзан қўни-қўшни, танишларга кўзим тушади. Ҳушига келса салом беради, бўлмаса йўқ. Шунда ҳам бир қўл чўнтакда, истаб-истамай қўлининг учини узатади. Саломлашиш, сўрашиш ва илтифот кўрсатиш одамнинг одамга бўлган юксак ҳурмати, иззати, одамшавандалиги ва инсоний фазилатининг белгиси ҳисобланади.

Қўшнимиз Ҳалима хола куйиниб деди: «Икки неварам бир-бири билан бош уриштирадиган одат чиқаришди. «Бу нима қилганларинг?», десам, нима деб жавоб беришди денг, бу «замонавий саломлашув» эмиш. Худди иккита қўчқор шохлашаётгандай кўзимга бирам хунук кўринди. Кўча-кўйда ҳам ёшларнинг бир-бирига бош уриштиришаётганини кўриб ажабланардим. Бу саломлашаётганлари экан. Тавба, қаердан чиққан қилиқ бу?»

Ҳалима холанинг куйинганича бор. Бугун эътибор берсангиз, ёшларнинг аввал қўл бериб, кейин бошларини, сўнг елкаларини, ҳатто оёқларини уриштириб саломлашаётганларининг гувоҳи бўласиз. Бу ажабтовур ҳолатдан ёқа ушлайсиз. Ёшларимиз кимдан ўрнак олишяпти? Бундай саломлашув одоб-ахлоқимизга мосми?. Ёки қизларимиз икки қўлларини бир-бирига уриб саломлашишади. Ёшларни-ку ёш деймиз, аммо катта ёшдагиларнинг салом бериш ўрнига бош қимирлатиб қўйишларини қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки ўзига ва ўзгаларга омонлик, тинчлик тилаш ҳам айримларга малол келса.

Салом бериш ва алик олиш одоблиликнинг ва ҳурматнинг олий белгиси. Ҳар бир кишининг ички маданияти, хулқ-атвори, одамийлигининг дастлабки кўрсаткичи ҳисобланади.

Саломлашиш гўё оддий инсонларнинг бири бирига узатадиган нуру муолажадек инсонга ижобий таъсир кўрсатади. Кўнгилдаги гиналарни, ғуборларни тарқатади. Муомала, одоб ва ахлоқнинг муқаддимаси бўлмиш ўзбекона саломлашувнинг қадр-қимматини, мазмун-моҳиятини ёшларимизга чуқурроқ тушунтирайлик. Шояд, саломлашув ахлоқимизнинг безаги бўлса.

**Санобар БОЙМУРОДОВА.**

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-39-89
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Хожиева
Нашр навбатчиси: Н.Очилов
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.
info@mahallagzt.uz 22725 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6196 Топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5